

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

ҲУКМ

2025 йил июль ойининг 30 куни жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи Ж.Салоҳиддинов, судья ёрдамчиси Ш.Насиббековнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Зафаробод туман прокурорининг ёрдамчиси Ю.Фузулиев, судланувчи Қ.С ва унинг ҳимоячиси адвокат Э.Муродовларнинг иштирокида, Қ.Сга нисбатан юритилган 1-1309-2501/42-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Қ.С (Q.S) – 03.10.2000 йилда Жиззах туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, муқаддам жиноят ишлари бўйича Фориш туман судининг 15.03.2022 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбли деб топилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Шароф Рашидов туман судининг 18.04.2023 йилдаги ажримига кўра, ўталмаган 1 йил 7 ой 4 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, якка тартибда таксичилик билан шуғулланади, [REDACTED] да яшайди, 19.06.2025 йилда гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 10 июль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, ишдаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тўпланган далилларни текшириб, тарафларнинг музокараси, судланувчининг ҳимоя нутқи ва охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Қ.С 15.10.2024 йилда Россия Федерациясига ишлаш мақсадида бориб, у ерда турли шаҳарларда мавсумий ишлар билан шуғулланиб, Интернет жаҳон ахборот тармоғининг “Телеграм” мессенжеридаги “Ростов работа” номли каналдаги эълонларда берилган телефон рақамлар эгалари билан ўзаро гаплашиб, уларнинг таклифига кўра, 29.10.2024 йилда РФнинг Ростов области, Ростов-на-Дону шаҳрига етиб бориб, у ерда жойлашган РФнинг Қуролли Кучлари сафида хизмат қилувчиларни қабул қилиш манзилига бориб, низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган, ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати



берилмаган шахс бўла туриб, шу куни РФ Қуролли Кучлари сафида бир йил ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги 926-сонли контрактни тузиб, Украина ҳудудидаги жангавор ҳаракатларда РФ Қуролли Кучлари сафида қатнашиш мақсадида ўзининг моддий ва бошқа манфаатларини кўзлаган ҳолда ёлланган.

Шундан сўнг, Қ.С ўзининг жиноий ҳатти-ҳаракатларини давом эттириб, 30.10.2024 йилда Ростов области, Новочеркасск шаҳридаги РФ Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмга ҳарбий хизматчилар билан бирга бориб, у ерда ҳарбий жангавор тайёргарликдан ўтиб, 19.11.2024 йилда РФнинг “Ахмад сила” ҳарбий полки, “Вагнер” ҳарбий компанияси ва РФ Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари билан бирга РФ ва Украина қуролли кучлари ўртасидаги ҳарбий ҳаракатлар амалга оширилаётган РФнинг Курск области, “Большое Солдатское” қишлоғидаги фронт позицияларини кўриқлашган.

Шунингдек, Қ.С 02.01.2025 йилда РФнинг Курск областидаги Суджа шаҳрига ўзининг РФ ҚҚга тегишли ҳарбий қисми билан етиб бориб, у ерда РФ ёки Украина фуқароси ҳисобланмай, шунингдек қайд қилинган давлатлар ҳудудида доимий яшамай ва ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахс бўла туриб, ўзининг шахсий манфаатларини кўзлаб, уларни тарафини олиб, РФ ҳудудида бўлиб ўтаётган жангавор ҳарбий ҳаракатларда 20.02.2025 йилга қадар қатнашиб келган. Қ.С мазкур ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиши давомида соғлиғи ёмонлашиб, бир муддат даволаниб, 25.02.2025 йилда Ўзбекистоннинг РФдаги элчихонаси кўмаги билан “Ватанга қайтиш гувоҳномаси” расмийлаштириб, Ўзбекистонга қайтиб келган.

Судланувчи Қ.С суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 15.10.2024 йилда маҳалладоши [REDACTED] нинг таклифи билан Россия Федерацияси, Липецк вилояти, “Волгоградская” кўчасида жойлашган Туркия давлатига тегишли қурилиш фирмасига ишга кириш мақсадида борганлигини, у ерда ишчилар фақат бинонинг қурилиш ишларига жалб қилиниб, заводни ишлаб чиқариш фаолиятига фақат махсус рухсатномага эга бўлган шахсларнинг киришига рухсат берилганлиги, ишга кириш учун 2 ойдан ортиқ вақт кетишини билиб, “Телеграм”даги каналлардан иш излаб, “Ростов работа” деган каналдаги ўрмонда ёғоч қирқиш маъқул келиб, кўрсатилган телефон рақамга “Ватсап” орқали қўнғироқ қилганлигини, завод Ростов-на-Дону шаҳрида эканлиги, ойлик 150.000 рубл эканлиги, иш ўрмон ичида бўлишлиги, ётиш ва овқатланиш ҳам заводнинг ҳисобидан эканлигини айтганларини, ушбу таклиф мақул бўлиб, 26.10.2024 йилда Ростов-на-Дону шаҳрига етиб борганлигини, “Авакс” фирмасининг маъмурий биносига фирма вакиллари олиб кетишиб, дастлаб тиббий кўриқдан ўтиб, 29.10.2024 йилда фирмага ишга қабул қилишларини айтишиб, меҳнат шартномаси тузишга киришганларини, бу ҳужжатлар ичида кейинчалик билишича, уни алдаб РФ Қуролли Кучлари сафига контракт асосида оддий аскар сифатида ҳарбий хизматга қабул қилишганлигини, 30.10.2024 йилда фирма вакиллари уларни ўрмонда жойлашган ишлаб чиқариш корхонасига олиб кетишларини айтишиб, Ростов-на-Дону областининг Новочеркасск районидаги ҳарбий полигонга олиб борганларини, у билан жами 60 нафар шахс бирга келганлигини, улардан



4 нафари Ўзбекистон фуқароси, қолгани Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ҳамда РФнинг фуқаролари бўлганлигини, полигон маъмурий биносидан РФ ҳарбий хизматчиси уларни урушга ўз хоҳишлари билан келганлари учун табриклаб, бу жойда ҳарбий амалиётни ўтаб, Украинага қарши ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишларини маълум қилганлигини, шунингдек, келганлар орасида урушда иштирок этиш нияти бўлмаган шахсларни сўраб, уларни ҳарбий полиция хизмати ходимларига топширишни ва уларга 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши билан огоҳлантирганлигини, келганлар орасида норозиликлар бўлган бўлсада, бироқ ҳеч кимнинг журъати етмаганлигини, 18.11.2024 йилга қадар ҳарбий амалий машғулотларни бажарганларини, у электр таъминоти билан боғлиқ ишларни билгани учун, ҳарбий шийпонларга уланган электр тармоқларини созлаш ишларига жалб қилинганлигини, ҳарбий қисмда 3 та бўлим бўлиб, биринчи бўлимда “Ахмад сила” махсус отряди, иккинчи бўлимда РФ ҚК ва учинчи бўлимда “Вагнер” махсус отряди ҳарбийлари жойлашган эканлигини, лекин улар бир-бири билан умуман учрашмаслигини, у РФ ҚК ҳарбийларини тайёрлаш бўлимида ҳарбий тайёргарликдан ўтганлигини, 19.11.2024 йилда ҳарбийлар уларни Курск области, Большая солдатская райони, Любастан қишлоғига олиб борганларини, бу ҳудудда аҳоли эвакуация қилинган бўлиб, уларнинг турар жойларига жойлаштирилганларини, фақат ҳарбий кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминланганларини, аммо қурол-яроқ беришмаганлигини, 21.11.2024 йилда ҳарбий хизматчиларга ойлик маош тарқатилиб, унга 1 млн. 300 минг рубль берилганлигини, пулнинг 800 минг рублини оила аъзоларига, яъни отасининг номига юборганлигини, ҳарбий кийим етишмовчилиги борлиги сабабли, қолган пулга ҳарбий кийим ва ҳимоя воситалари сотиб олиб, ўзини харажатлари учун сарфлаганлигини, мазкур ҳудуд уруш ўчоғидан 50 км. узоқликда жойлашган бўлиб, тинч ҳудуд ҳисобланганлигини, бу аҳоли пунктида 01.12.2024 йилга қадар яшаб, транспорт воситасида ўрмон ичида 2 соат юриб, номи бўлмаган махфий ҳарбий полигонга етиб келганларини, ҳарбий қурол-яроғ билан таъминланиб, 14 кун ҳарбий машғулотларни ўтаб, 14 декабрь куни полигон командири “Ленин” лақабли шахс у ва 20 нафарга яқин шахсларни бошқа ҳудудга кўчиришини айтиб, транспорт воситасида 4 соатга яқин масофани босиб ўтиб, бошқа ҳарбий полигонга етиб келганларини, полигонда ҳарбий қурол-яроғлар, яъни АК-74, М-12 Калашников автоматлари, бронжилет билан таъминланганлигини, бу ҳудудда яна ҳарбий машғулотларни ўтаб, 30.12.2024 йилда полигондан 250 км. узоқликда жойлашган ўрмон ичидаги ҳарбий қисмга етиб келганларини, у ерда 02.01.2025 йилгача ҳарбий тайёргарлик кўрганлигини, бироқ фақат 5 та ротадан иборат 500 нафарга яқин ҳарбий хизматчилар Украинага қарши ҳарбий топшириқ бажаришга юборилганлигини, берилган топшириққа асосан РФнинг Суджа шаҳрига яқин Махиновка қишлоғига жўнатилганларини, у [] исмли рота командири билан яқин муносабат ўрнатишга эришиб, унга ота-онасининг ягона фарзанди эканлигини, ишғолчи гуруҳга қўшмаслигини илтимос қилиб сўраганлигини, у илтимосини қабул қилиб, ҳарбий позицияларда жойлашган ҳарбий хизматчиларга озиқ-овқат етказиб бериш билан шуғулланишини



айтганлигини, ушбу топширикни ўрмон оралаб пиёда бажарганлигини, топширикни бажараётганида оёғидан совуқ ўтиши натижасида юриш қобилиятини йўқотиб, касал бўлиб қолганлигини, ҳарбий врачлар 18.01.2025 йилда шифохонага юборишиб, у ерда даволанганлигини, қолган муолажани ҳарбий лагердаги пунктда даволанишини маълум қилиб, уни 02.02.2025 йилда ҳарбий лагерга қайта юборганларини, бироқ лагердаги барча ҳарбий хизматчилар вафот этганлиги ва айримлари жароҳат олганликлари сабабли, улар 11 февраль куни Курск вилоятидаги махфий ҳарбий қисмга қайтиб келганларини, ҳарбий қисмга яна янги шахслар келиб қўшилганларини, оёғидаги оғриқ сабабли ҳарбий тайёргарликка чиқмаганлигини, даволанишда давом этганлигини, уларни яна ҳарбий лагерга олиб кетиш режалаштирилаётганлигидан хабар топиб, 21 февраль куни РФдаги Ўзбекистон элчихонасининг ишонч рақамига кўнғироқ қилиб, бўлган воқеаларни айтганлигини, улар 24.02.2025 йилда Москва шаҳридаги элчихонага етиб келишни айтганларини, 22.02.2025 йилда “Телеграм” орқали йўловчи ташиш билан шуғулланувчи шахсларнинг телефон рақамларини топиб, уларга жойлашган жойига яқинроқ манзилга келишни тушунтирганлигини, 22.02.2025 йил соат 15:00да [REDACTED] исмли Ўзбекистон фуқароси у жойлашган ҳарбий полигонга 1 км. яқин масофага келганлигини, полигондан яширинча ўрмон оралаб, [REDACTED] келган жойга келганлигини, у 700 км. узоқликда жойлашган Москва шаҳридаги Ўзбекистон элчихонасига олиб келганлигини, элчихона ходимлари 2 соат ичида “Ватанга қайтиш гувоҳномаси” расмийлаштириб берганларини, шу куннинг ўзида “Москва-Тошкент” йўналиши бўйича чипта олиб, 25 февраль куни Тошкент шаҳрига етиб келганлигини, чет элдаги ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш ноқонуний эканлигини билмаганлигини, 30.10.2024 йилда Ростов на Дону шаҳридаги ҳарбий қисмда ҳайрбийлар улар РФ ҚК билан ҳарбий хизматни ўташ тўғрисида контракт тузганларини, агар контрактни бажармаса, 5-10 йилга қамалиб кетишини айтганларини, бу гапларидан кўрқиб, РФ ҚК сафида ҳарбий хизматни давом эттирганлигини, ўша вақтда бу ҳолат вақтинча эканлигини, биринчи имкон туғилиши билан у ердан қочиб кетишни режа қилганлигини, РФ ҚК сафида 29.10.2024 йилдан 22.02.2025 йилга қадар ҳарбий ўқув машғулоти ва ҳарбий ҳаракатларда қатнашганлигини, бу даврда ишғолчи гуруҳларда иштирок этмаганлигини, РФ Қуролли кучлари таркибида Украина ҳудудида амалга оширилаётган ҳарбий ҳаракатларда ўз ҳоҳиши билан иштирок этмаганлигини, ҳарбий хизматга алдов йўли билан кирганлигини, РФ ёки Украина фуқаролигини олмаганлигини, РФ Қуролли кучлари сафига моддий манфаат олиш мақсадида ёлланиб, ҳарбий ҳаракатларда иштирок этганидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, яшаш шароитини яхшилаш ва қари ота-онасининг қарзларини узиш ниятида ўзи билмаган ҳолда бу ишларга қўл урганлигини, айбига тўлиқ иқдор эканлигини, оилада ягона ўғил фарзандлигини, ҳаётини энди бошлаётганлигини, ҳали оила қурмаганлигини, қонун доирасида енгиллик бериш сўраб кўрсатув берди.

Судланувчининг жиноят содир этганликдаги айби ўзининг тўлиқ иқдорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари гувоҳларнинг



кўрсатувлари ҳамда ишда тўпланган бошқа ҳужжатлар билан ҳам тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Гувоҳ Қ.Н суд мажлисида 7 нафар фарзандлари борлигини, улардан 6 нафари қизлигини, 03.10.2000 йилда туғилган ўғли Қ.С ёшлигидан тиришқоқ, ҳаракатчан, ақли-хуши жойида, билим олишга қизиқадиган ва ўз устида ишлайдиган бола эканлигини, у 2007 йилда Ш.Рашидов туманидаги 17-сонли умумтаълим мактабига ўқишга бориб, 2017 йилда 9-синфини тугатиб, шу йили Жиззах шаҳридаги Жиззах транспорт алоқа касб ҳунар коллежида “энергетика” йўналиши бўйича таълим олиб, электрик ишларини бажара бошлаганлигини, коллежни 2020 йилда тугатганлигини, ўқиш билан бирга Жиззах шаҳридаги “Интер Инжиниринг” электро техника лабораториясида электрик монтажчи сифатида ишлаганлигини, 2020 йил сентябрь ойига қадар Тошкентдаги “Аржун Конструкция” фирмасида бош энергетик сифатида ишлаганлигини, 2020 йил сентябрь ойидан бошлаб, “Ўзбекистон Темир йўллари” АЖнинг Тошкент шаҳар метросида электр монтажчи сифатида 2021 йил апрель ойига қадар ишлаганлигини, Жиззах шаҳрига қайтиб келиб, хусусий тартибда электрик ишларини қилиб юрганлигини, 2024 йил октябрь ойида ўғли Қ.С Россия Федерациясининг Липецк шаҳрига ишлагани кетганлигини, у билан ўша вақтлари гаплашганда ўрмонда ишлаётганлигини, у ерда дарахт кесиш билан банд эканлигини, ойлик иш ҳақи яхши эканлигини айтганлигини, орадан анча вақт ўтганидан сўнг, ўғли унга тегишли бўлган “Ҳамкорбанк”нинг 9860 1678 3990 5905 рақамли пластик картасига тахминан 800.000 рублдан иборат пул маблағларини 22.11.2024 йилдан 10.12.2024 йилга қадар бўлган давр мобайнида ташлаб берганлигини, ушбу пулларни ўғли билан маслаҳатлашиб, аввалдан мавжуд бўлган қарзлар, банкдан олинган кредитларни тўлашга ва ҳовли жойини айрим қисмларини таъмирлашга ишлатганлигини, кейинчалик ўғли 2025 йил февраль ойига қадар ўрмонда ишляпман деб алдаб юрганлигини билганлигини, ўзи телефондан видеовизов қилиб, Россияда ҳарбий тайёргарликдан ўтаётганлигини айтганлигини, ўғлига у ердан иложи борица қочишини айтганлигини, ўғли Россиядаги элчихона орқали ватанга қайтиш гувоҳномаси билан 26.02.2025 йилда Ўзбекистонга қайтиб келганлигини, ўғлининг қилган ишларини нотўғри эканлиги билганидан сўнг, унга Ўзбекистонга қайтишини айтганлигини, ўғли бу ишларни, яъни РФ ҚК сафига ҳарбий хизматчи сифатида шартнома асосида кириб, улар билан бирга Украина армиясига қарши жангларда қатнашганлиги ўзининг ҳоҳиши билан бўлмаганлигини, унга бошқа масалаларни айтиб, ҳужжатлар орасида ҳарбий хизматга ёлланиш тўғрисидаги контрактни имзолатганларини, ўғли оилада ягона боқувчи эканлигини, ўзи ва турмуш ўртоғи нафақахўрлигини, ўғлининг оилавий аҳволи, ягона боқувчи эканлиги ҳамда шахсини инобатга олиб кечиришни, қонун доирасида енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Тарафларнинг розилиги билан гувоҳ Қ.Х ва Т.Хларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилди.

Суд давлат айбловчисининг хулосаси, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, жинойт иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, далилларни текшириб, судланувчининг жинойт содир этганликдаги айби



унинг тўлиқ иқдорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, 13.03.2025 йилдаги билдирги (и.в 3), тезкор-қидирув иш юритуви иш жилдини юритиш тўғрисидаги қарор (и.в 4), ўз ихтиёри билан топширилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш тўғрисидаги баённома (и.в 5-6), тушунтириш хатлари (и.в 11-18), телефон аппарати хотирасини кўздан кечириш ва олиш тўғрисидаги баённома (и.в 19-20), предметларни ва ҳужжатларни текшириш тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш ҳақидаги қарор (и.в 22), илмий-техник криминалистик экспертизасининг 29.03.2025 йилдаги, 80-сонли хулосаси (и.в 24-26), илмий-техник криминалистик тадқиқот материалларини кўздан кечириш тўғрисидаги баённома ва илова ҳужжатлар (и.в 28-50), тезкор-қидирув фаолияти натижаларини тақдим этиш тўғрисидаги қарор ва тақдим этилган ҳужжатлар (и.в 56-68), судга оид портрет экспертизасининг 10.06.2025 йилдаги, 253-сонли хулосаси (и.в 106-120), ҳужжатларни кўздан кечириш тўғрисидаги баённома (и.в 121-122), ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят иши материалларига қўшиш ҳақидаги қарор (и.в 146-147) ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган ва баҳоланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланади.

Суд ушбу далилларни процессуал қоида ва тартибларга риоя қилинган ҳолда олинганлиги учун мақбул, ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос ва ишончли деб баҳолаб, Қ.Сни жиноят содир қилганликда айблаш учун етарли деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Қ.Снинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозим”, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Суд Қ.Сга жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, юқоридаги Пленум қарорлари тушунтиришларидан келиб чиқиб, унинг айбига тўлиқ иқдорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланиб, кафолат хати берилганлигини, оиласида ягона боқувчи эканлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, содир этган қилмишининг хусусияти ва



ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда ишнинг бошқа ҳолатларини инобатга олиб, судланувчининг шахси ва жазони енгиллаштирувчи ҳолатлари содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, жинояти квалификация қилинган модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо, яъни озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, ҳукм қонуний кучга киргач унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек, суд иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, “ХАМИДУЛЛО АЛ-ВОНИД” МЧЖда сақланаётган “Samsung A25” русумли телефон аппаратини судланувчи Қ.Сга қайтаришни;

Қ.Снинг телефон аппарати хотирасидан тикланган фотосуратлар, РФ Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми томонидан берилган маълумотнома, ойлик иш ҳақини қариндошларига етказганлиги тўғрисидаги тўлов қвитанциялари нусхалари, 7 донa DVD дисклар ва №926-сонли ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги контрактни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Қ.С (Q.S) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Қ.Сга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқиши чекланган ҳолда 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Қ.Сга озодликни чеклаш жазосини [REDACTED] да ўташ белгилансин ва жазони ўташ даврида қуйидаги қўшимча таъқиқ (чеклаш)лар ўрнатилсин:

- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;
- интернетдан фойдаланмаслик;
- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Жиззах вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Шароф Рашидов туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳига юклатилсин ва жазо муддати маҳкум ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Қ.Сга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисми талаблари, яъни маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги, жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги тушунтирилсин.



Ҳукм қонуний кучга киргач Қ.Сга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва ДХХ Жиззах вилоят бошқармаси депозит ҳисоб рақамига тўланган 10.000.000 сўм пул маблағи гаровга қўювчи Қ.Нга қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, “ХАМИДУЛЛО АЛ-ВОНИД” МЧЖда сақланаётган “Samsung A25” русумли телефон аппарати судланувчи Қ.Сга қайтарилсин.

Қ.Снинг телефон аппарати хотирасидан тикланган фотосуратлар, РФ Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми томонидан берилган маълумотнома, ойлик иш ҳақини қариндошларига етказганлиги тўғрисидаги тўлов квитанциялари нусхалари, 7 дона DVD дисклар ва №926-сонли ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги контракт жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Жиззах вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ёки прокурор протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи

имзо

Ж.Салоҳиддинов

Аслига тўғри:

